

## Нефть маҳсулотларини сотиш ҳақидаги

02/180-сонли ШАРТНОМА

Фарғона шаҳар

2022 йил 25 01

“Фарғона нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб аталувчи Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари А. Абдуганиев бир томондан ва “Истеъмолчи” деб юритилувчи Сух тумани ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари А. Ибрагимов томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шакланган ўртача котировка нархларида “Истеъмолчи”га сотади.

1.2. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини қўйиб “Истеъмолчи”га сотади.

1.3. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефть маҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.4. “Таъминотчи”нинг (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфида мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁТШларида) “Истеъмолчи”нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га 1 суткага 3580 сўм миқдорда хизмат ҳақи тўлайди.

“Таъминотчи” (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи”га ҳар ой якуни бўйича алоҳида ҳисоб-варақа (счёт-фактура) тақдим этади.

“Истеъмолчи” ҳисоб-варақа (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида тўловни амалга оширади.

1.5. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаш жараёнида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб “Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш, бериш ва ҳисобга олиш бўйича Йўриқнома”га асосан ҳар ой якуни бўйича “Истеъмолчининг” нефть маҳсулотига “табiiй йўқотиш” қўллайди (табiiй йўқолган нефть маҳсулоти “Таъминотчи” томонидан қоплаб берилмайди).

## 2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминийт умумий суммаси 539 992 992 сўмни ташкил қилади.

2.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси олинган куни сотилиши сўралган нефть маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

### 3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефть маҳсулотлари “Таъминотчи”нинг омборидан ёки унга қарашли филиалларда “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов хужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг сўровига асосан “Таъминотчи”нинг махсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини, шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефть маҳсулотлари омборига нефть маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг куйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда “Таъминотчи”жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари куйилган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Таъминотчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

### 4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий хужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли хужжатлар “Таъминотчи”нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда расмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи тасодифий нобуд бўлиши, нефть маҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

### 5. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини сотишни кафолатлайди. Сотилаётган нефть маҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефть маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. “Таъминотчи” нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. “Таъминотчи” нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

6.4. "Истеъмолчи" белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун "Таъминотчи"га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. "Истеъмолчи"ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрларига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.6. "Истеъмолчи"етказиб берилган нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### "ТАЪМИНОТЧИ"

"Фаргона нефт базаси" МЧЖ

Манзили: Фаргона шаҳар

Тегирмон кўчаси 141-уй.

СҚБ Яшнобод филиали

х/р: 22604000800215485702

МФО: 00432

ИНН: 201104250

Раҳбар:

М.Ў

А.Абдуганиев

### "ИСТЕЪМОЛЧИ"

Сух тумани ободонлаштириш

бошқармаси

Раҳбар к.и.

Тел: +99833 676365

х/р: 100027860307767065700110001

СТИР: 202112.100

МФО:

Раҳбар

М.Ў

А.Ибрагимов

## ҲУҚУҚИЙ ҲУЛОСА

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва "Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради. Ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Юридик бўлим бошлиғи:

Н.Ахунташев

2022 йил “” 25.01 № 02/180 -сонли шартномага 1 илова

## “БУЮРТМАЧИ”

### Сух тумани ободонлаштириш бошқармаси

#### “Фарғона нефт базаси” МЧЖ

#### СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Нефт маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	1 тоннаси нархи	Микдори, тонна	Умумий суммаси
	Автобензин АИ-80	тн	10 420 784,30		
	Автобензин АИ-91	тн	12 470 610,00		
	Дизель ёнилгиси	тн	11 592 841,47		
	Дизель ёнилгиси ЭКО	тн	11 616 058,0	46417	539992992
	<b>Жами:</b>				539992992

Изоҳ: Дизель ёнилгисининг нархи Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё 17-01-20222 21-01-202 йил кунлардаги (ўтган ҳафтадаги) шакланган ўртача биржа котировка нархларида езилади. Ушбу нарх 31.01.2022 йил кунигача амал қилади.

Автобензин маҳсулотига биржа электрон савдолари орқали сотиб олинган маҳсулот нарҳига нефт база устамаси қўлланилди.

Умумий жами: 539992992

Мазкур спецификация икки нусхада тузилди.

“ТАЪМИНОТЧИ”



*[Handwritten signature]*

А.Абдуганиев

Юридик бўлим бошлиғи:

“БУЮРТМАЧИ”



*[Handwritten signature]*

А.Ибрагимов

Н.Ахунташев



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
SO'X TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151400, So'x tumani, Ravon ko'chasi, 102-uy, tel.:(998 73) 462 57 71  
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: sux.t-yurmarkaz@adliya.uz

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'GRISIDA**

**HUQUQIY XULOSA № XX 5051278427**

**1.Loyihning turi.**

**SHARTNOMA №02/180**

**2.Loyihaning nomi.**

So'x tuman Obodonlashtirish boshqarmasi neft mahsulotlarini xarid qilish to'g'risidagi **02/180**-sonli shartnoma loyihasi

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana to'grisidagi malumot.**

Fargona viloyati Adliya boshqarmasi huzuridagi davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat ko'rsatish So'x tumani markaziga So'x tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 27.01.2022 yil **02/180**-sonli shartnoma loyihasini ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan.

So'x tumani Obodonlashtirish boshqarmasi **02/180**-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunosti hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq

So'x tumani Yuridik xizmat

ko'rsatish markazi

bosh yuristkonsulti :

27.01.2022



F.Boboev